САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.ФМ.02.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ ШАХЗОД ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

УМУМЛАШГАН ФРИДРИХС МОДЕЛИ ХОС ҚИЙМАТИ УЧУН ЁЙИЛМА

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

УДК: 517.984

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Курбанов Шахзод Хабибуллаевич
Умумлашган Фридрихс модели хос қиймати учун ёйилма. 3

Kurbanov Shakhzod Habibullayevich
An expansion for eigenvalue of the generalized Friedrichs model 17

Курбанов Шахзод Хабибуллаевич
Разложение для собственного значения обобщенной модели Фридрихса . . 31

Эълон қилинган ишлар рўйхати
List of published works
Список опубликованных работ. 35

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.27.06.2017.ФМ.02.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРБАНОВ ШАХЗОД ХАБИБУЛЛАЕВИЧ

УМУМЛАШГАН ФРИДРИХС МОДЕЛИ ХОС ҚИЙМАТИ УЧУН ЁЙИЛМА

01.01.01 – Математик анализ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд шаҳри – 2018 йил

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor og Philosphy) Диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4. PhD /FM 147 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз рус(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Лакаев Саидахмат Норжигитович** физика-математика фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	**Ашуров Равшан Ражабович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Урозбоев Ғайрат Ўразалиевич физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Навоий давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.ФМ.02.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32, факс: (+99866) 235-19-38, 239-12-47, e-mail:patent@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 231-06-32.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2018 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Солеев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

А.М. Халхўжаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

И.А.Икромов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар, физикада мураккаб турғун объектлар одатда уларнинг боғланган пайтдаги энергиясини камайиш имконини берувчи тортишиш кучлари натижасида ҳосил бўлишини кўрсатади. Бироқ кейинги йилларда олимлар томонидан тартибланган муҳитларда мураккаб турғун объектлар ҳаттоки итаришувчи таъсирлар натижасида ҳам мавжуд бўлишлиги исботланди. Итаришувчи жуфтликларни тавсифлашда фойдаланиладиган Бозе-Хаббард модели, яъни панжарадаги Шредингер оператори экспериментал кузатишларнинг назарий асоси ва қўллашнинг назарий базаси ҳисобланади. Шунинг учун қаттиқ жисмлар физикаси ҳамда квант майдонлар назариясида учрайдиган ва умумлашган Фридрихс моделларига келтириладиган панжарадаги заррачалар системаси ҳамилтонианларига мос Шредингер операторларига оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда ўз-ўзига қўшма операторларнинг спектри ва резонансларини ўрганиш ҳақидаги масалалар замонавий математик анализнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Ушбу масалалар панжарадаги икки заррачали системага мос умумлашган Фридрихс модели спектрини тадқиқ қилиш билан узвий боғлиқ. Назарий физиканинг ҳамда квант механикасининг қатор масалалари, хусусан, панжарадаги икки заррачали системага мос Шредингер операторининг спектрал хоссаларини ўрганиш аксарият ҳолларда, умумлашган Фридрихс моделлари деб аталувчи, ўз-ўзига қўшма операторлар махсус синфининг спектрини ўрганишга келтирилади. Бу борада: панжарадагиикки заррачали системага мос умумлашган Фридрихс модели муҳим спектри ўрнини тавсифлаш; муҳим спектрдан ташқаридаги хос қийматлар сонининг ўзгаришини оператор параметрларига ва қаралаётган фазонинг ўлчамига боғлиқлигини кўрсатиш мақсадли илмий тадқиқотлар ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиқига эга бўлган долзарб йўналишларга, хусусан, икки заррачали система ҳамилтонианига мос Шредингер операторларини умумлаштирувчи умумлашган Фридрихс моделини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Алгебра ва математик анализ, динамик тизимлар назарияси, амалий математика ва математик моделлаштириш математика фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқот олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда ўз-ўзига қўшма операторлар назариясини ривожлантириш, хусусан, умумлашган Фридрихс модели спектрал хоссларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. К.О. Фридрихс томонидан дастлаб, ўз-ўзига қўшма операторларнинг қўзғалишлар назарияси модели сифатида эркли ўзгарувчига кўпайтириш ва унинг интеграл оператор ёрдамидаги қўзғалиши киритилган. Бу модел кейинчалик узлуксиз спектрнинг қўзғалишлари назарияси модели деб ном олган.

Бу оператор россиялик олимлар О.А.Ладиженская ва Л.Д.Фаддеев ҳамда Л.Д.Фаддеев ишларида Фридрихс модели деб аталган ва Шредингер операторларини ўрганиш масаласи Фридрихс моделини ўрганиш масаласига келтирилган.

Фридрихс моделининг узлуксиз спектри карралиги ўзгармас бўлгани учун С.Н.Лақаев томонидан умумлашган Фридрихс модели узлуксиз спектрнинг карралиги ўзгарувчан бўлган ҳол сифатида киритилган. Кейинчалик бу модель Р.А.Минлос, С.Н.Лақаев, Ж.И.Абдуллаев, С.А.Степен, С.Албеверио, Е.Л.Лакштанов, Э.Р.Акчурин, И.А.Икромов, Ф.Шарипов ишларида ўрганилди, хусусан, унинг спектрал хоссалари яъни узлуксиз спектри, хос қийматлари, хос қийматларининг пайдо бўлиш принциплари, хос қийматлар сонининг чеклилиги ўрганилган.

С.Н.Лақаев, Ж.И.Абдуллаевларнинг ишларида заррачалар сони икки ёки иккидан ошмайдиган системаларга мос умумлашган Фридрихс моделининг хос қийматлари ва резонанслари ҳамда улар сонининг чеклилиги исботланган.

С.А.Степен ва М.Э.Мўминов ишларида ўз-ўзига қўшма бўлмаган Фридрихс моделининг спектрал хоссалари ўрганилган бўлиб, унда хос қийматлар сонининг чеклилик шартлари топилган.

И.Икромов, Ф.Шарипов ишларида умумлашган Фридрихс модели кенг синфининг дискрет спектри чеклилиги исботланган.

Бугунги кунда ҳамумумлашган Фридрихс моделининг спектрал хоссаларини тадқиқ қилишга оид тадқиқотларни ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг ЁФ4-ҚХ-0-18588 ЁФ4 «Дискрет Шредингер оператори ва Фридрихс моделлари хос қийматлари ва резонанслари учун ёйилмалар» (2014-2016 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели хос қийматлари мавжудлигини кўрсатиш ва бу хос қиймат учун яқинлашувчи ёйилмалар топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бир ва икки ўлчамли ҳолда қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели муҳим спектри ўрнини аниқлаш;

қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели муҳим спектр ташқарисидаги ягона хос қиймати мавжудлик шартларини топиш;

бу хос қийматга мос хос функциянинг умумий кўринишини топиш ва унинг хоссаларини ўрганиш;

муҳим спектр тубининг хос қиймат ёки виртуал сатҳ бўлиш шартларини аниқлаш;

хос қиймат учун ўзаро таъсир доимийсининг бўсаға қиймати атрофида яқинлашувчи ёйилма олиш;

хос қийматнинг ўзаро таъсир доимийси чексизга интилгандаги асимптотикасини топиш.

Тадқиқотнинг объекти панжарадаги иккита бир хил заррачали системага мос умумлашган Фридрихс моделидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс моделинтнг спектрал тадқиқотларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик анализ, математик физика, фунционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели муҳим спектри ўрни аниқланган;

қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели муҳим спектр ташқарисидаги хос қийматлари мавжудлик шартлари топилган;

бу хос қийматга мос хос функциянинг хоссаларини ўрганилган;

муҳим спектр тубининг хос қиймат ёки виртуал сатҳ бўлиш шартлари аниқланган ва мос равишда бу хос функция ёки виртуал сатҳ кўриниши топилган;

хос қиймат учун ўзаро таъсир доимийсининг бўсаға қиймати атрофида яқинлашувчи ёйилмалар олинган;

хос қийматнинг ўзаро таъсир доимийси чексизга интилгандаги асимптотикаси топилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари умумлашган Фридрихс модели боғланган ҳолатларининг аналитиклиги ҳақидаги хулосалар қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотларнинг сифат кўрсаткичини аниқлашда ва сонли ҳисоблашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик анализ, математик физика, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ва математик мулоҳазаларнинг ҳамда исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти ўз ўзига қўшма операторлар спектрал назариясида, квант механикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, хусусан, икки заррачали система ҳамилтонианига мос Шредингер оператори спектри билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар қаттиқ жисмлар физикаси, квант механикасида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва қўллашга назарий асос сифатида хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Панжарадаги икки заррачали системага мос умумлашган Фридрихс модели дискрет спектрига оид олинган натижалар асосида:

қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели спектрал хоссаларидан, яъни хос қийматининг аналитиклиги ва унинг жойлашиш ўрнидан QJ130000.2626.14J72 рақамли грант лойиҳасида олмос панжарадаги уч заррачали Шредингер операторининг спектрал хоссаларини тадқиқ қилишда фойдаланилган (Малайзия технология университетининг 2017 йил 19 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши олмос панжарадаги уч заррачали Шредингер операторига мос Фредгольм детерминантининг муҳим спектрдан чапда ўсувчи эканлигини исботлаш имконини берган;

қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс моделининг ягона хос қиймати мавжудлигидан QJ130000.2626.14J72 рақамли грант лойиҳасида олмос панжарадаги уч заррачали Шредингер оператори хос қийматининг мавжудлигини исботлашда фойдаланилган (Малайзия технология университетининг 2017 йил 19 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши олмос панжарадаги уч заррачали Шредингер операторининг муҳим спектрдан ташқарида ётувчи дискрет спектрининг чеклилигини кўрсатиш имконини берган.

бир ўлчамли ҳолда қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели хос қийматининг мавжудлигидан ва хос қиймат учун олинган ёйилмалардан QJ130000.2626.14J72 рақамли грант лойиҳасида олмос панжарадаги уч заррачали Шредингер оператори хос қийматининг хоссаларини тадқиқ қилишда фойдаланилган (Малайзия технология университетининг 2017 йил 19 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши олмос панжарадаги уч заррачали Шредингер операторининг муҳим спектрдан ташқарида ётувчи хос қийматнинг монотонлигини кўрсатиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, 20 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 3 таси республика даврий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 85 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Икки заррачали система ҳамилтонианларини умумлашган Фридрихс моделига келтириш ва баъзи ёрдамчи маълумотлар»** деб номланувчи биринчи бобида диссертациянинг асосий натижаларини баён қилишда зарур бўладиган ёрдамчи маълумотлар, асосий таъриф ва теоремалар келтирилган.

1.1 бўлимда иккита бир хил заррачали система ҳамилтонианига мос Шредингер операторининг координата ва импулс кўринишлари келтирилган.

1.2 бўлимда ўз-ўзига қўшма операторларнинг баъзи спектрал хоссалари, хусусан Вейл теоремаси келтирилган.

1.3 бўлимда ошкормас функция ҳақидаги теоремадан келиб чиқадиган баъзи натижалар келтирилган.

1.4 бўлимда параметрикга боғлиқ Морс леммаси келтирилган.

Диссертациянинг “**Умумлашган Фридрихс моделининг спектрал хоссалари**” деб номланган иккинчи бобида қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели ва унинг муҳим спектри аниқланган.

Икки ўлчамли ҳолда, қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс моделининг хос қиймати мавжудлик шарти ҳамда бўсаға ҳодисаси келтирилган. Хос қиймат учун ўзаро таъсир доимийсининг бўсаға қиймати атрофида яқинлашувчи ёйилма олинган. Бундан ташқари хос қийматнинг ўзаро таъсир доимийси чексизга интилгандаги асимптотикаси топилган.

Диссертациянинг "**Қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели хос қиймати учун ёйилма**" деб номланган учинчи бобида бир ўлчамли ҳолда қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс моделининг хос қиймати мавжудлик шарти келтирилган. Хос қиймат учун ўзаро таъсир доимийсининг бўсаға қиймати атрофида Пюзе-Лоран қаторига ёйилмаси топилган. Бундан ташқари хос қийматнинг ўзаро таъсир доимийси чексизга интилгандаги асимптотикаси топилган.

Фараз қиламиз T^d - d ўлчамли тор бўсин. $L^2(T^d)$-T^d да аниқланган модулининг квадрати билан интегралланувчи функциялар Ҳилберт фазоси бўлсин. Ушбу Ҳилберт фазосида берилган қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс моделини қуйидагича аниқлаймиз:

$$H_\mu(p) = H_0(p) - \mu V, \quad \mu > 0,$$

$$H_0(p) f(q) = w_p(q) f(q), \quad f \in L^2(T^d),$$

$$Vf(q) = \varphi(q) \int_{T^d} \varphi(s) f(s) ds, \quad f \in L^2(T^d).$$

Диссертация ишини баён қилишда қуйидагича фараз қиламиз.

Фараз 1. Фараз қиламизки, $\varphi(\cdot)$ -T^d да аниқланган ҳақиқий қийматли аналитик функция ва $w(p,q)$-$(T^d)^2 = T^d \times T^d$ да аниқланган ҳақиқий қийматли аналитик функция бўлиб, $(0,0) \in (T^d)^2$ нуқтада ягона айнимаган минимум нуқтага эга бўлсин.

Қўйилган ушбу шартдан $H_\mu(p),\ p \in T^d$ нинг ўз-ўзига қўшма ва чегараланган оператор эканлиги келиб чиқади.

Лемма 1. $w(p,q)$ функцияга қўйилган шартдан $p = 0 \in T^d$ нуқтанинг шундай $U_\delta(0) \subset T^d$ атрофи ва шу атрофда аниқланган $q_0 : U_\delta(0) \to T^d$ аналитик функция мавжудки, ҳар бир $p \in U_\delta(0)$ учун $q_0(p)$ нуқта $w_p(\cdot)$ функциянинг ягона айнимаган минимум нуқтаси бўлади.

V оператор компакт оператор бўлганлиги сабабли муҳим спектр турғунлиги ҳақидаги Вейл теоремасига кўра $H_\mu(p)$, $p \in T^d$ операторнинг муҳим спектри учун қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$\sigma_{ess}(H_\mu(p)) = \sigma_{ess}(H_0(p)) = \sigma(H_0(p)) = [m(p), M(p)],$$

$$m(p) = \min_{q \in T^d} w_p(q), \; M(p) = \max_{q \in T^d} w_p(q)$$

Лемма 2. Ихтиёрий $p \in U_\delta(0)$ учун $W_\gamma(0) \subset R^d$ ни $q_0(p) \in T^d$ нинг $U(q_0(p))$ атрофига аклантирувчи шундай $s = \psi(y, p)$ функция мавжудки, $U(q_0(p))$ да $w_p(\psi(y, p))$ функция қуйидаги

$$w_p(\psi(y, p)) = m(p) + y^2$$

кўринишда тасвирланади. Бу ерда $\psi(y, \cdot)$ (мос равишда $\psi(\cdot, p)$) функция $U_\delta(0)$ (мос рафишда $W_\gamma(0)$) да аналитик ва $\psi(0, p) = q_0(p)$ бўлади. Бундан ташқари $s = \psi(y, p)$ алмаштириш Якобиани $J(\psi(y, p))$, қаралаётган $W_\gamma(0)$ атрофда аналитик бўлиб, барча $p \in U_\delta(0)$ ва $y \in W_\gamma(0)$ лар учун $J(\psi(y, p)) > 0$ бўлади.

Ихтиёрий $\mu > 0$ ва $p \in T^d$ учун $\mathrm{C} \setminus [m(p); M(p)]$ да аниқланган қуйидаги аналитик $\Delta(\mu, p; \cdot)$ ($H_\mu(p)$ операторга мос Фредгольм детерминанти) функцияни қараймиз:

$$\Delta(\mu, p; \cdot) = 1 - \mu\,\Omega(p; \cdot), \quad \Omega(p; z) = \int_{T^d} \frac{\varphi^2(s)ds}{w_p(s) - z}, \qquad p \in T^d, \quad z \in \mathrm{C} \setminus [m(p); M(p)].$$

$d = 1, 2$ бўлсин. У ҳолда, $\varphi(q_0(p)) = 0$, $p \in U_\delta(0)$ бўлганда қуйидаги интеграл

$$\frac{1}{\mu_d(p)} = \int_{T^d} \frac{\varphi^2(s)ds}{w_p(s) - m(p)}$$

мавжуд ва $\varphi(q_0(p)) \neq 0$ бўлганда $\mu_d(p) = 0$ деб ҳисоблаймиз.

2.1 бўлимда $H_\mu(p)$, $p \in T^2$ операторга мос Фредгольм детерминанти хоссалари ўрганилган ва унинг муҳим спектр туби атрофида ёйилмаси топилган.

Лемма 3. $d = 2$ бўлсин. У ҳолда барча $\mu > 0, p \in U_\delta(0)$ лар ва етарлича кичик $m(p) - z > 0$ учун $\Delta(\mu, p; \cdot)$ функция қуйидаги яқинлашувчи қаторга ёйилади.

$$\Delta(\mu, p; z) = 1 - \mu\alpha_0(p)\ln(m(p) - z) + \frac{\mu}{2}\ln(m(p) - z)\sum_{n=1}^{\infty}\alpha_n(p)\big(m(p) - z\big)^n - \mu F(p, z),$$

$$\alpha_0(p) = -\frac{1}{2}\varphi^2(q_0(p))J(q_0(p)), \; F(p, z) = \sum_{n=0}^{\infty} c_n(p)\big(m(p) - z\big)^n, \qquad (1)$$

бу ерда $\alpha_n(p), c_n(p), n = 0, 1, 2, \ldots$ ҳақиқий сонлар.

2.2 бўлимда $H_\mu(p)$, $p \in T^2$ операторнинг хос қиймати мавжудлик шарти топилган. Хос қийматга мос хос функциянинг хоссалари келтирилган. Бундан ташқари қаралаётган операторнинг муҳим спектри тубининг хос қиймат ёки виртуал сатҳ бўлиш шартлари аниқланган.

Таъриф 1. Агар $H_\mu(p) f = m(p) f$ тенглама $L^1(T^2) \setminus L^2(T^2)$ да нолмас f ечимга эга бўлса у ҳолда $H_\mu(p)$ оператор $z = m(p)$ нуқтада виртуал сатҳга эга дейилади. Бу ҳолда f ечим $H_\mu(p)$ операторнинг виртуал ҳолати дейилади. Бунда $L^1(T^2)$ орқали T^2 да аниқланган абсолют интегралланувчи функциялар Банах фазоси белгиланган.

Теорема 1. $d=2$ бўлсин. У ҳолда барча $p\in U_\delta(0)$ лар учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:

1. Агар $\mu>\mu_2(p)$ бўлса у ҳолда $H_\mu(p)$ оператор муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона $E(\mu,p)$ хос қийматга эга. $E(\cdot,p)$ функция $(\mu_2(p),+\infty)$ да монотон камаювчи, аналитик функция ҳамда $E(\mu,\cdot)$ функция $U_\delta(0)$ да ҳақиқий аналитик функция бўлади. Бу хос қийматга мос хос функция

$$\Psi(\mu;p,q,E(\mu,p))=\frac{C\mu\varphi(q)}{w_p(q)-E(\mu,p)}$$

T^2 да аниқланган ҳақиқий аналитик функция бўлади, бу ерда $C\neq 0$ нормалловчи кўпайтувчи. Бундан ташқари

$$\Psi:U_\delta(0)\to L^2(T^2),\quad p\mapsto\Psi(\mu;p,q,E(\mu,p))\in L^2(T^2)$$

ва

$$\Psi:(\mu_2(p),+\infty)\to L^2(T^2),\quad \mu\mapsto\Psi(\mu;p,q,E(\mu,p))\in L^2(T^2)$$

акслантиришлар мос равишда $U_\delta(0)$ ва $(\mu_2(p),+\infty)$ да аналитик функция бўлади.

2. Агар $\varphi(q_0(p))=0$ ва $0<\mu<\mu_2(p)$ бўлса у ҳолда $H_\mu(p)$ оператор $(-\infty,m(p)]$ да хос қийматга эга бўлмайди.

3. Агар $\varphi(q_0(p))=0, \nabla\varphi(q_0(p))=\left(\frac{\partial\varphi}{\partial q_1}(q_0(p)),\frac{\partial\varphi}{\partial q_2}(q_0(p))\right)\neq 0$ ва $\mu=\mu_2(p),$ бўлса у ҳолда $z=m(p)$ сони $H_{\mu_2(p)}(p)$ оператор учун виртуал сатҳ бўлади ва унга мос виртуал ҳолат қуйидаги

$$f(q)=\frac{C\mu_2(p)\varphi(q)}{w_p(q)-m(p)}$$

кўринишда бўлади, бу ерда $C\neq 0$ нормалловчи кўпайтувчи ва $f\in L^1(T^2)\setminus L^2(T^2)$.

4. Агар $\varphi(q_0(p))=0, \nabla\varphi(q_0(p))=\left(\frac{\partial\varphi}{\partial q_1}(q_0(p)),\frac{\partial\varphi}{\partial q_2}(q_0(p))\right)=0$ ва $\mu=\mu_2(p),$ бўлса у ҳолда $z=m(p)$ сони $H_{\mu_2(p)}(p)$ оператор учун хос қиймат бўлади ва унга мос хос функция қуйидаги

$$f(q)=\frac{C\mu_2(p)\varphi(q)}{w_p(q)-m(p)}\in L^2(T^2),$$

кўринишда бўлади, бу ерда $C\neq 0$ нормалловчи кўпайтувчи.

Тасдиқ 1. V оператор мусбатлигидан $H_\mu(p)$ оператор $M(p)$ дан ўнгда ётувчи хос қийматга эга эмас.

2.3 бўлимда икки ўлчамли ҳолда $H_\mu(p),\, p\in U_\delta(0)$ операторнинг $E(\mu,p)$ хос қиймати учун $\mu=\mu_2(p)$ нуқтада ёйилма олинган.

Теорема 2. $d=2$ ва $p\in U_\delta(0)$ бўлсин. Агар μ параметр $\mu_2(p)$ га интилса у ҳолда $E(\mu,p)$ муҳим спектр туби $m(p)$ га интилади ва аксинча $E(\mu,p)$ муҳим спектр туби $m(p)$га интилса μ параметр $\mu_2(p)$ га интилади. Бундан ташқари $\varphi(q_0(p))\neq 0$бўлганда етарлича кичик $\mu-\mu_2(p)$ ларда $E(\mu,p)$ хос қиймат учун қуйидаги яқинлашувчи ёйилма ўринли:

$$m(p)-E(\mu,p)=\sigma a(p)+\sum_{n\geq 1,s\geq 0,n+s>1} c(m,n)(p)\sigma^n\tau^s$$

$$\sigma=\exp\{(\alpha_0(p)\mu)^{-1}\},\quad \tau=\frac{1}{\mu}\exp\{(\alpha_0(p)\mu)^{-1}\},$$

бунда$c(n,m),\, m,n=1,2,\ldots$- ҳақиқий сонлар ва

$$a(p)=\exp\{-c_0(p)/\alpha_0(p)\},\quad \alpha_0(p)=-1/2\varphi^2(q_0(p))J(q_0(p))<0.$$

бу ерда $c_0(p)$ коеффициент (1) тенгликдан аниқланади.

Натижа 1. $d=2$ ва $p\in U_\delta(0)$ бўлсин у ҳолда $\varphi(q_0(p))\neq 0$ бўлганда $H_\mu(p)$ операторнинг $E(\mu,p)$ хос қиймати учун қуйидаги асимптотик формула ўринли:

$$E(\mu,p)=m(p)-\exp\{-c_0(p)/\alpha_0(p)\}\sigma+O(\sigma\tau),\ \mu\to 0+0.$$

Теорема 3. $d=2$ ва $p\in U_\delta(0)$ бўлсин. У ҳолда $E(\mu,p)$ учун қуйидаги асимптотик формула ўринли

$$E(\mu,p)=-\|\varphi\|^2\,\mu+E^{(1)}(\mu,p),\quad \mu\to+\infty,$$

бунда $E^{(1)}(\mu,p)=O(1)$, $\mu\to+\infty.$

Натижа 2. $d=2$ ва $p\in U_\delta(0)$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги асимптотик формула ўринли

$$\inf_p E(\mu,p)=-\|\varphi\|^2\,\mu+E^{(2)}(\mu),\ \ \mu\to+\infty,$$

бунда $E^{(2)}(\mu)=O(1)$, $\mu\to+\infty.$

3.1 бўлимда $H_\mu(p),\ p\in T^1$ операторга мос Фредгольм детерминанти хоссалари келтирилган ва унинг муҳим спектр туби атрофида ёйилмаси топилган.

Лемма 4. $d=1$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $\mu>0,\, p\in U_\delta(0)$ ва етарлича кичик $m(p)-z>0$ ларда $\Delta(\mu,p;\cdot)$ функция қуйидаги Пюзе-Лоран қаторига ёйилади:

$$\Delta(\mu,p;z)=1-\mu\frac{c_{-1}(p)}{\sqrt{m(p)-z}}-\mu\sum_{n=0}^{\infty}c_n(p)\left(\sqrt{m(p)-z}\right)^n,$$

бу ерда

$$c_{-1}(p) = \pi\varphi^2(q_0(p))J(q_0(p)).$$

Натижа 3. $d = 1$ ва $\varphi(q_0(p)) = 0,\ p \in U_\delta(0)$ бўлсин. У ҳолда ихтиёрий $\mu > 0$ ва етарлича кичик $m(p) - z > 0$ ларда $\Delta(\mu, p;\cdot)$ функция қуйидаги яқинлашувчи қаторга ёйилади:

$$\Delta(\mu, p; z) = 1 - \mu \sum_{n=0}^{\infty} c_n(p) \left(\sqrt{m(p) - z}\right)^n,\ c_0(p) = \frac{1}{\mu_1(p)} > 0, \qquad (2)$$

3.2 бўлимда бир ўлчамли ҳолда $H_\mu(p)$ операторнинг хос қиймат мавжудлик шартлари топилган. Хос қийматга мос хос функциянинг аниқ кўриниши келтирилган.

Теорема 4. $d = 1$ бўлсин. У ҳолда барча $p \in U_\delta(0)$лар учун қуйидаги тасдиқлар ўринли:

1. Агар $\mu > \mu_1(p)$ бўлса у ҳолда $H_\mu(p)$ оператор муҳим спектрдан чапда ётувчи ягона $E(\mu, p)$ хос қийматга эга. $E(\cdot, p)$ функция $(\mu_1(p), +\infty)$ да монотон камаювчи, аналитик функция ҳамда $E(\mu, \cdot)$ функция $U_\delta(0)$ да ҳақиқий аналитик функция бўлади. Бу хос қийматга мос хос функция

$$\Psi(\mu; p, q, E(\mu, p)) = \frac{C\mu\varphi(q)}{w_p(q) - E(\mu, p)}$$

T^1 да аниқланган ҳақиқий аналитик функция бўлади, бу ерда $C \neq 0$ нормалловчи кўпайтма. Бундан ташқари

$$\Psi : U_\delta(0) \to L^2(T^1), \quad p \mapsto \Psi(\mu; p, q, E(\mu, p)) \in L^2(T^1)$$

ва

$$\Psi : (\mu_1(p), +\infty) \to L^2(T^1), \quad \mu \mapsto \Psi(\mu; p, q, E(\mu, p)) \in L^2(T^1)$$

акслантиришлар мос равишда $U_\delta(0)$ ва $(\mu_1(p), +\infty)$ да аналитик функция бўлади.

2. Агар $\varphi(q_0(p)) = 0$ ва $0 < \mu < \mu_1(p)$ бўлса у ҳолда $H_\mu(p)$ оператор $(-\infty, m(p)]$ да хос қийматга эга бўлмайди.

3.3 бўлимда бир ўлчамли ҳолда $H_\mu(p),\ p \in U_\delta(0)$ операторнинг $E(\mu, p)$ хос қиймати учун $\mu = \mu_1(p)$ нуқтада ёйилма олинаган. Бундан ташқари $E(\mu, p)$ хос қиймат учун $\mu \to \infty$ даги асимптотик формуласи топилган.

Теорема 5. $d = 1$ ва $p \in U_\delta(0)$ бўлсин. У ҳолда агар μ параметр $\mu_1(p)$ га интилса у ҳолда $E(\mu, p)$ муҳим спектр туби $m(p)$ га интилади ва аксинча $E(\mu, p)$ муҳим спектр туби $m(p)$га интилса μ параметр $\mu_1(p)$ га интилади. Бундан ташқари етарлича кичик $\mu - \mu_1(p)$ ларда $E(\mu, p)$ хос қиймат учун қуйидаги яқинлашувчи ёйилма ўринли:

1. Агар $\varphi(q_0(p)) \neq 0$ бўлса у ҳолда $E(\mu, p)$ қуйидаги қаторга ёйилади

$$E(\mu,p)=m(p)-\left(\sum_{n=1}^{\infty}a_n(p)\mu^n\right)^2,$$

бунда $a_n(p), n=1,2,\ldots$ ҳақиқий сонлар ва

$$a_1(p)=\pi\varphi^2(q_0(p))J(q_0(p))>0.$$

2. Агар $\varphi(q_0(p))=0$ ва (2) ёйилманинг $c_1(p),c_2(p),\ldots$ коэффициентлари $c_1(p)=c_2(p)=\ldots=c_{k-1}(p)=0, c_k(p)\neq 0, k=1,2,..,$ шартни қаноатлантирса, у ҳолда $E(\mu,p), \mu=\mu_1(p)$ нуқта атрофида қуйидаги Пюзе қаторига ёйилади.

$$E(\mu,p)=m(p)-\left(\sum_{n=1}^{\infty}a_n(p)[\mu-\mu_1(p)]^{n/k}\right)^2,$$

бунда $a_n(p), n=1,2,\ldots$ ҳақиқий сонлар ва

$$a_1(p)=\left[-\mu_1^2(p)c_k(p)\right]^{-1/k},\ c_k(p)<0\,[\mu-\mu_1(p)]^{1/k}>0,\ \mu-\mu_1(p)>0.$$

Натижа 4. $d=1$ ва $p\in U_\delta(0)$ бўлсин. У ҳолда $H_\mu(p)$ операторнинг $E(\mu,p)$ хос қиймати учун қуйидаги асимптотик формулалар ўринли:

1. $\varphi(q_0(p))\neq 0$ бўлсин у ҳолда

$$E(\mu,p)=m(p)-[\pi\varphi^2(q_0(p))J(q_0(p))]^2\mu^2+O(\mu^3),\ \mu\to 0$$

2. $\varphi(q_0(p))=0$ ва (2) ёйилманинг коэффициентлари $c_1(p),c_2(p),\ldots$ учун қуйидаги

$$c_1(p)=c_2(p)=\ldots=c_{k-1}(p)=0, c_k(p)\neq 0,\ k=1,2,\ldots.$$

муносабат ўринли бўлса у ҳолда

$$E(\mu,p)=m(p)-\left[-\mu_1^2(p)c_k(p)\right]^{-2/k}[\mu-\mu_1(p)]^{2/k}+O([\mu-\mu_1(p)]^{3/k}),\mu\to\mu_1(p)$$

бунда $c_k(p)<0.$

Қуйидаги теоремада $E(\mu,p)$ хос қиймат учун $\mu\to+\infty$ бўлганда асимптотик формулага эга бўламиз.

Теорема 6. $d=1$ ва $p\in U_\delta(0)$ бўлсин. У ҳолда $E(\mu,p)$ учун қуйидаги асимптотик формула ўринли

$$E(\mu,p)=-\|\varphi\|^2\mu+E^{(1)}(\mu,p),\quad \mu\to+\infty,$$

бунда $E^{(1)}(\mu,p)=O(1),\quad \mu\to+\infty.$

Натижа 5. $p\in U_\delta(0)$ бўлсин. У ҳолда қуйидаги асимптотика ўринли

$$\inf_p E(\mu,p)=-\|\varphi\|^2\mu+E^{(2)}(\mu),\quad \mu\to+\infty,$$

бунда $E^{(2)}(\mu)=O(1),\quad \mu\to+\infty.$

Хулоса

Диссертация иши умумлашган Фридрихс модели хос қиймати учун ёйилма мавзусига бағишланган. Бир ва икки ўлчамли ҳолда қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс модели спектрал хоссалари ўрганилган.

Асосий натижалар қуйидагилардан иборат:

1. Қўзғалишининг ранги бирга тенг бўлган умумлашган Фридрихс моделининг хос қиймати мавжудлик шарти келтирилган.
2. Хос қийматнинг аналитик эканлиги исботланган.
3. Хос қийматга мос хос функциянинг умумий кўриниши аниқланган ва унинг аналитиклиги исботланган.
3. Муҳим спектр тубининг хос қиймат ёки виртуал сатҳ бўлиш шартлари топилган. Мос равишда бу хос қиймат ва виртуал сатҳга мос хос функция ва виртуал ҳолатни аниқ кўриниши келтирилган.
4. Хос қиймат учун ўзаро таъсир доимийсининг бўсаға қиймати атрофида яқинлашувчи ёйилмалар топилган ва бу ёйилма ёрдамида асимптотик формулалар ҳосил қилинган.
5. Хос қийматнинг ўзаро таъсир доимийси чексизга интилгандаги асипмтотик формуласи топилган

Олинган натижалар қаттиқ жисмлар физикаси ва квант механикасида экспериментал тадқиқотларнинг сифат кўрсаткичини аниқлашда ҳамда математик физикада қўлланилиши мумкин.

SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC DEGREE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) PhD.27.06.2017.FM.02.01

SAMARKAND STATE UNIVERSITY

KURBANOV SHAKHZOD KHABIBULLAYEVICH

AN EXPANSION FOR EIGENVALUE OF THE GENERALIZED FRIEDRICHS MODEL

01.01.01– Mathematical analysis

ABSTRACT OF DISSERTATION OF THE DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD) ON PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

Samarkand – 2018

The theme of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on physical and mathematical sciences was registered at the Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.4.PhD/FM147.

Dissertation has been prepared at Samarkand State University.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (uzbek, russian, english (resume)) on the website (www.samdu.uz) and the "Ziyonet" Information and educational portal (www.ziyonet.uz).

Scientific supervisor:	**Lakaev Saidahmat Norjigitovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Academician
Official opponents:	**Ashurov Ravshan Rajabovich** Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
	Urozbaev Gayrat Urazalievich Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor
Leading organization:	**Navoiy state pedagogical institute**

Defense will take place «____» _____________2018 at _____ at the meeting of Scientific Council number PhD.27.06.2017.FM.02.01at Samarkand State University. (Address: University Boulevard 15, Samarkand, 140104, Uzbekistan, Ph.: (+99866) 231-06-32, fax: (+99866) 235-19-38, e-mail: patent@samdu.uz).

Dissertation is possible to review in Information-resource centre at Samarkand State University (is registered №____) (Address: University Boulevard 15, Samarkand, 140104, Uzbekistan, Ph.: (+99866) 231-06-32).

Abstract of dissertation sent out on «____» _______________2018 year

(Mailing report № ___________on «____» _______________2018 year)

A.S. Soleev
Chairman of scientific council on award of scientific degrees, D.F.-M.S., professor

I.A. Ikromov
Scientific secretary of scientific council on award of scientific degrees, D.F.-M.S.

I.A. Ikromov
Acting Scientific secretary of scientific council on award of scientific degrees, D.F.-M.S. professor

INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

Actuality and demand of the theme of dissertation. Many scientific and applied research conducted on a global level show that everywhere in physics stable complex objects are usually formed as a result of action of attractive forces that allow the component parts to reduce the energy in their binding. However, recent years scientists have proved that in the ordered medium stable complex objects can exist even in the case of repulsive interactions. Bose-Hubbard model is used to describe the repulsive pairs, i.e. Schrödinger operator on a lattice is the theoretical basis of experimental observations and theoretical basis for the application. Therefore, the development of research of Schrödinger operators corresponding Hamiltonians of the systems of particles on a lattice which is reduced tothe generalized Friedrichs models that are found in models of solid state physics and lattice field theory is one of the priorities.

At the present time in the world one of the important problems of mathematical analysis is the problem of studying the spectrum and resonances of self-adjoint operators. These problems have a close connection with the study of the spectrum and resonances of the generalized Friedrichs model corresponding to a system of two particles on a lattice. In most cases the numerous problems of mathematical physics and mechanics, in particular, the investigation of the spectral properties of the Schrödinger operator associated to asystem of two particles reduce to study the spectrum of the generalized Friedrichs models which are defined as self-adjoint bounded operator. In this connection, to describe the essential spectrum of the generalized Friedrichs model corresponding to a system of two particles, to study the existence and number of eigenvalues depending on parameters and depending on the dimension of the space are implementation of targeted scientific research.

In our country much attention has been paid to directions of applied importance, in particular, special attention was paid to the study of generalized Friedrichs model which generalizes the Schrödinger operators corresponding Hamiltonians of the systems of two particles. For the Schrödinger operators and generalized Friedrichs model a number of results were achieved in determining the conditions for the existence of bound states which is located outside of the essential spectrum and for their number. The priority area of activity and the main task is the conduct of research in the main areas of such sciences as mathematics, physics, applied mathematics, in accordance with world standards[2]. The development of quantum field theory and the spectral theory of linear operators, in particular, the study of the spectral properties of the generalized Friedrichs model play an important role in the execution of the resolution.

This dissertation, to some extent, serves the tasks specified in the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan № DP-436 dated August 7, 2006 "On Measures for Improving the Coordination and Management of the Development of

[2]Desision of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan of May 18, 2017 No. 292 «On measures to organize the activities of the newly established scientific research institutions of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan»

Science and Technology" and №DP-916 dated July 15, 2008 "Encouraging the introduction of innovative projects and technologies in production ", №DP -2789 dated February 17, 2017 "On measures to further improve the organization, management and financing of research activities and activities of the Academy of Sciences " and №DP -4947 dated February 8, 2017 "On strategy actions for the further development of the Republic of Uzbekistan ", as well as in other normative-legal acts on this activity.

Dependence of research to priority directions of development of science and technologies of the republic. This study was performed in accordance with the Republic of Uzbekistan IV priority areas of science and technology "Mathematics, Mechanics and Computer Science".

The degree of scrutiny of the problem. First K.O.Friedrichs was introduced as a model of perturbation theory of self-adjoint operators, themultiplication operator by an independent variable, and as a perturbation the integral operator was considered. Later this model called the perturbation theory of the continuous spectrum.

In the works of soviet scientists Ladyzhenskaya O.A. and Faddeev L.D. this operator was called the Friedrichs model and the problem of studying the Schrödinger operator was reduced to the problem of studying the Friedrichs model.

The generalized Friedrichs model was introduced by S.N.Lakaev, in case, the multiplicity of the continuous spectrum was non-constant. Spectral properties, i.e. continuous spectrum, eigenvalues and resonances, the appearance and absorption of eigenvalues, and the finiteness of the number of eigenvalues of this model, was studied in the works of R.A.Minlos, S.N.Lakaev, Zh.I.Abdullaev, S.A.Stepen, C.Albeverio, E.L.Lakshtanova, E.R.Akchurin, I.A.Ikromov, F.Sharipov and M.E. Muminov.

In the works of S.N.Lakaev, Zh.I.Abdullaev, the finiteness of the number of eigenvalues and the resonances of the generalized Friedrichs model of no more than two particles are proved.

The spectral properties of the non-self-adjoint Friedrichs model are studied in the works of S.A.Stepen and M.E.Muminov, in particular, the conditions of the finiteness of the number of eigenvalues are established.

In works of I.A.Ikromov and F.Sharipov the finiteness of the discrete spectrum of the generalized Friedrichs model is proved.

